

# “ПРЕЗИДЕНТГА МАКТУБЛАР” КИТОБИНИНГ ТАҚДИМОТИ

**Умида Тешабаева**

*Алишер Навоий номидаги  
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси  
директор ўринбосари*



*In the article, the readers' conference which was dedicated to the III volume of the book called "letters to the President" and held on June 25, in the National library of Uzbekistan Alisher Navoi, was discussed. The representatives of culture and literature editors and journalists of Mass Media, young writers and students, scholars, volunteers of "Kamolot", fellows of Presidential grants, as well as the agency of Uzbek national News participated in the worthwhile meeting.*

**Б**ундан етти йил муқаддам, яъни 2006 йили “Маънавият” нашриёти Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов номига юборилган мактублардан танлаб олинган айрим намуналарни “Президентга мактублар” деган ном билан алоҳида китоб шаклида нашр қилган эди. Ушбу тўпламнинг иккинчи китоби 2009 йилда, учинчиси эса шу йил

– Мустақиллигимизнинг 22 йиллик тўйи арафасида чоп этилди. Ундан юртимизнинг турли вилоят ва туманларида яшайдиган, турли ёшдаги, турли касб-ҳунар эгалари бўлган кишилар, шунингдек чет эл фуқаролари, хорижий давлатлар етакчилари, атоқли сиёсат ва жамоат арбоблари, илм-фан, маданият, адабиёт ва санъат намояндлари томонидан давлатимиз раҳбари Ислоҳ Каримов номига 2009–2013 йиллар давомида келган хатлардан намуналар ўрин олган.

Китоб Ўзбекистон Президентининг ана шу йиллардаги масъулиятли ва самарали фаолияти ҳақида, мамлакатимиз эришаётган тарихий ютуқ ва марралар халқимиз ҳамда кенг халқаро ҳамжамият томонидан юксак эътироф этилаётгани ва қўллаб-қувватланаётгани тўғрисида атрофлича маълумот беришга, бу борадаги тасаввурларни кенгайтиришга хизмат қилади.

25 июль куни Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида “Президентга мактублар” китоби учинчи жилдининг тақдимотига бағишланган китобхонлар конференцияси бўлиб ўтди. Тадбирда маданият ва адабиёт намояндлари, ноширлар, журналистлар, талаба ва ўқувчи ёшлар, зиёлилар вакиллари, “Камолот” ЁИХ фаоллари, Президент стипендиантлари, шунингдек, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ва республика газеталарининг мухбирлари иштирок этдилар. Тақдимот маросимида Ўзбекистон Миллий университети профессори Абдуғафур Расулов, Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият



институти проректори, профессор Абдухалил Маврулов, шахмат бўйича халқаро гроссмейстер Нафиса Мўминова, “Туркистон”, “Молодежь Узбекистана” газеталари бош муҳаррири Салим Ашуров, Наманган шаҳридаги 25-мактаб ўқитувчиси М. Иззатуллаев, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси Қўлёмалар, нодир ва алоҳида қимматга эга нашрлар хизмати раҳбари, филология фанлари номзоди Зухриддин Исомиддинов, “Маънавият” нашриёти директори Суннатилла Аҳмедов, “Шарқ юлдузи” ва “Звезда Востока” журналлари бош муҳаррири Улуғбек Ҳамдам ва бошқалар маъруза қилдилар.

Тадбирда сўзга чиққанларнинг барчаси китобдаги мактубларни ўқиганда Ўзбекистоннинг уриб турган юрагини ҳис қилиши, мактуб эгалари ўзининг энг яқин кишиси билан дилдан суҳбатлашгани, мақтов сўзлар эмас, балки самимий фикр-мулоҳазалари китобхонларнинг юрагидан жой олиши, ҳар бир ўзбек хонадонига ушбу китобнинг кириб бориши, қўлма-қўл бўлиб кетишига ишонч билдирдилар.

Давр шиддат билан ривожланаётган ҳозирги замонда, хатдан кўра мобил воситалардан фойдаланиш русумга айланган бир пайтда, юртдошларимиз ўз орзу-умидларини қоғоз қоралаб битишганига уларни қалб амри, розилик, шукроналик ҳисси даъват этгани таъкидланди.

Тақдимот маросимида мактубларнинг муаллифлари – Қашқадарё вилояти Косон туманидан М.Бердиева, Бўстонлиқ тумани Сижжак қишлоғидан Ж.Жумаев, Самарқанд шаҳридан Ш.Раҳматова ва “Зулфия” номидаги давлат мукофоти лауреати Ф.Умаралиевалар ҳам сўзга чиқдилар.

Тадбирда ушбу китоб Ўзбекистон Президентининг юксак масъулияти, серқирра фаолияти ҳақида китобхонлар тасаввурини янада кенгайтириб, мамлакатимизнинг ички ва ташқи сиёсати, халқимизнинг эркин ва фаровон ҳаёти, қувончу ташвишларига оид энг долзарб масалалар юзасидан ватандошларимиз, халқаро жамоатчилик вакиллари билан олиб борилаётган доимий ва самимий мулоқотлар ҳақида янги маълумотлар беришга, ёшларимизни ватанпарварлик, истиқлол ғоясига садоқат руҳида тарбиялашга хизмат қилишига урғу берилди.

Ҳар бир хат юртимиздаги ислоҳот ва ўзгаришлар аввало инсон учун, унинг манфаатлари учун амалга оширилаётгани,

халқимизнинг неча асрлик орзу-интилишлари бугунги ҳаётимизда ўзининг амалий ифодасини топаётганига далил бўлгани боис, китоб қизиқиш билан ўқилади.

Дарҳақиқат, кутубхоначи ҳамкасбимизнинг китобдан жой олган мана бу мактубида Юртбошимиз тийнатиининг яна бир қирраси намоён бўлади: *“Муҳтарам Ислам Абдуғаниевич! Сизни “Ватан ва халқ мангу қолади” деб номланган янги асарингиз нашр этилиши муносабати билан кўп сонли китобхонларимиз номидан чин дилдан қутлашга ижозат бергайсиз.*

*Янги йил арафасида ушбу китоб ҳамда “Юксак маънавият – энгилмас куч” асарингизнинг иккинчи нашри учун берилган қалам ҳақини Республика марказий кўзи ожизлар кутубхонасининг моддий-техник базасини риожлантиришга йўналтиргангиз ҳақидаги хабар жамоамизни тўлқинлантириб юборди. Оллоҳ назари тушган Сиз каби азиз инсон – Президентимизнинг кутубхонамизга бўлган меҳри ва эътиборидан кўксимиз тоғдек кўтарилди. Бундай бекиёс ғамхўрлик учун Сизга самимий миннатдорлигимизни изҳор этамиз. Сизга юксак эҳтиром ва чексиз ҳурмат билан, Баҳодир Алқаров, Республика марказий кўзи ожизлар кутубхонаси директори. 2011 йил 17 январь”.*



Ўзбекистон билан яқин ва самарали ҳамкорлик қилиб келаётган хорижий давлатлар раҳбарларининг мактубларини ўқир эканмиз, мамлакатимиз эришаётган ютуқлар бугунги кунда халқаро миқёсда юксак эътироф этилиб, ҳурмат ва эътибор топаётганига яна бир бор ишонч ҳосил қиламиз. Буларнинг барчаси барпо этилаётган келажаги буюк давлатнинг дастлабки ва умидбахш нишонлари сифатида, ҳеч шубҳасиз, муқаддас юртимизда яшаётган ҳар бир кишига чексиз ғурур-ифтихор бағишлайди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов иштирок этди.